

**МИЛЛИЙЛИККА УЙГУНЛАШГАН ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР:  
АНЪАНА ВА ИЖОДИЙ ЯНГИЛИК СИНТЕЗИ**

**Сафарова Асилабону Шамсиддин**

*Сурхондаре вилояти Музработ туман политехникум 2- боскич талабаси*

**Кириш**

Глобаллашув жараёни тезлашган бугунги кунда ҳар бир халқ ўз маданий меросини сақлаб қолиш ва уни замонавий ҳаёт услубига мос равишда намоён этишга интилади. Шу нуқтаи назардан миллийликка уйғунлашган замонавий либослар яратиш дизайн соҳасидаги муҳим йўналишлардан бирига айланди. Ушбу йўналишда мен томонимдан чизилган либос эски анъаналар ва янги мода тенденцияларни муваффақиятли бирлаштириш намунаси ҳисобланади.

**Миллий эстетика ва замонавий дизайн уйғунлиги**

Миллий либосларнинг шакл, нақш ва ранглари асрлар давомида халқнинг турмуш тарзи, қадриятлари ва дидини акс эттириб келган. Замонавий дизайн эса функционалик, қулайлик ва минимализм тамойилларига асосланади. Мен яратган либосларимда айнан шу икки оламнинг уйғунлашуви кузатилади:

Миллий нақшларнинг замонавий шаклларга жойлаштирилиши;

Атлас, адрас, бекасам каби матоларнинг замонавий силуетларда қўлланилиши;

Шакллардаги оддийлик аммо маънонинг чуқурлиги;

Миллийликни жозибадор услубда қайта талқин қилиш;

Бундай ёндашув либосни бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам замонавий, ҳам универсал қилади.

**Дизайнда миллий асослардан фойдаланиш**

Миллийликка мойил либосларни яратишда куйидаги омиллар катта аҳамиятга эга:

**1. Нақшлар ва орнаментлар**

Ҳар бир нақш ўз маъносига эга. Масалан, иклими, анор нақши, қулфтуқ, қошмуйиз каби элементлар либосга нафақат эстетик, балки маънавий қиммат ҳам бахш этади.

**2. Материал танлови**

Атлас ва адраснинг тирбовчи ранглари, ипак матоларнинг енгиллиги либосга миллий руҳ бағишлайди. Замонавий фасон билан бирлаштирилганда улар янада қимматли кўринишга эга бўлади.

**3. Силуэт ва фасон**

Мен чизган либосларимда классик миллий фасонлар умуман ўзига хос замонавий деталлар билан бойитилган — бел чизиғининг ўзгариши, енг шакли, асимметрик ечимлар ва башқалар.

**4. Ранг палитраси**



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

Миллий ранглар каторидан — кўнғир, қизил, яшил, оқ ва тилла ранглар замонавий пастель ва нейтрал тонлар билан уйғунлашганда либос янада жарангдор кўринади.

**Миллийликка асосланган замонавий дизайнерликнинг аҳамияти**

Хозирги яратилаётган миллийликка уйғунлашган замонавий либослар куйидаги жиҳатлар билан муҳим:

Маданий меросни сақлайди;

Ёш авлодга миллий қадриятларни замонавий тилда етказиши;

Мода индустриясини бойитади ва миллий брендлар қадрини оширади;

Хорижий бозорда ҳам қизиқиш уйғотади;

Уникал ва ўзгача услубни шакллантиради;

Бундай либослар байрам, тадбир ва кундалик ҳаёт учун ҳам мос бўлиб, универсал ечим сифатида қабул қилинади.

**Ижодий жараён: ғоядан амалга**

Мен яратган миллийликка уйғунлашган либосларда куйидаги дизайнерлик жараёнлари мужассам бўлгани кўринади:

ғояни миллий манбалардан олиш;

эски анъаналарни қайта талқин қилиш;

замонавий мода тенденцияларини таҳлил қилиш;

шакл, материал ва рангларда эксперимент қилиш;

эстетика ва амалиётни уйғунлаштириш.

Бу эса профессионал дизайнерга хос ёндашувдир.

**Хулоса**

Миллийликка уйғунлашган замонавий либослар яратиш – бу дизайнерликда маданият, тарих ва эстетиканинг чуқур тарзда бирлашуви ҳисобланади. Мен чизган либосларимда ушбу йўналишнинг ёрқин намунаси сифатида миллий руҳни асраб, унда янги, замонавий образ намоён булади.. Бундай ижодий ишлар нафақат мода санъатини бойитади, балки ўзбек миллий либос маданиятини ҳам замонавий авлодга янгича қиёфада етказиши.

